

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

2022/182 - сонли

Тошкент вилояти.

" 16 " 06 2022 йил

“Тошкент вилояти минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” ДУК (кейинги ўринда “буюртмачи”) номидан Устав асосида иш юритувчи директор Нурматов Бахтиёр Бахромжонович бир томондан ва “Паркент туман йўллардан фойдаланиш” унитар корхонаси (кейинги ўринларда “пудратчи”) номидан Устав асосида иш юритувчи директор Ахматхонов Фурқат Одилхонович иккинчи томондан, бюджет маблағлари ҳисобидан Тошкент вилояти Паркент туман Қизилсой МФЙ Соҳил кўчаси(давоми)ни жорий таъмирлаш (кейинчалик-объект) ишларини бажаришга доир амалдаги Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисидаги”ги 684-сонли қонунига асосан xarid.uzex.uz маҳсус аҳборот портали орқали (Лот рақами 100115) эълон қилинган ва “Тошкент вилояти минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” ДУК харид комиссиясининг 2022 йил 13 июндаги баённомасига асосан куйидаги шартномани туздилар:

I. ТАЪРИФЛАР

1.1. Мазкур шартномада куйидаги таърифлар кўлланилади:

ижро ҳужжатлари - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргалиқда объект жорий таъмирлашга ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар ва ишларни бажаришда кўлланилган материаллар сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, қурилиш-монтаж ишларини бажарилишини юритиш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;

қурилиш майдони - мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

II. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

2.1. Пудратчи мазкур шартнома бўйича объектда жорий таъмирлаш ишларини смета ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолда бажариш мажбуриятини олади, буюртмачи эса пудратчига жорий таъмирлаш ишларини ўз вақтида қабул килиш ва молиялаштириш манбаи бўлган маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан шартнома тузилаётган объект учун маблағ таъминланиши билан тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

2.2. Буюртмачи томонидан молиялаштирилаётган қурилиш нархи тасдиқланган манзилли дастурда ажратилган маблағ бўйича аниқланади.

III. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ

3.1. Мазкур шартнома бўйича объектда бажариладиган ишлар қиймати барча ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда амалдаги нархларда шартноманинг умумий қиймати КҶС билан 185 000 000 (Бир юз саксон беш миллион) сўм, шундан ҚҶС 24 130 435 (Йигирма тўрт миллион бир юз ўттиз минг тўрт юз ўттиз беш) сўмни ташкил этиб, мазкур маблағ молия бошқармаси томонидан ажратилгач 3 кун муддатда тегишли тартибда молиялаштириш жадвалига асосан пудратчининг ҳисоб рақамига ўтказиб бериш назарда тутилади.

3.2. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, куйидаги ҳоллар бундан мустасно:

- объектнинг жорий таъмирлаш ишлари қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

- ишлар ҳажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

3.3. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар буюртмачи билан пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча келишув билан расмийлаштирилади.

IV. ПУДРАТЧИННИГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Мазкур шартнома бўйича пудратчи шартноманинг II-бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

зарур ҳолларда айрим иш турларининг бажарилишида смета ҳужжатларида белгиланган машина-механизмлар ўрнига, ўриндош машина-механизмлардан фойдаланилиши, белгиланган сифат ва технологик жараённинг бузилмаслигини кўрсатувчи сифат лабораторияси хulosasi асосида амалга оширилиши мумкин;

-смета хужжатларида бажарилиши кўзда тутилган иш ҳажмлари *Пудратчи* томонидан тўлиқ ва сифатли қилиб бажарилиб, айрим иш ҳажмлари ва харажатлар смета хужжатларида кўзда тутилган маблағлардан амалда иқтисод қилинса, ушбу маблағни мазкур объектнинг айрим харажатлари бўйича курилиши мумкин бўлган заарни ва қўшимча бажарилиши лозим бўлган иш ҳажмлари харажатларини қоплаш учун объектнинг умумий қиймати доирасида асословчи хужжатлар асосида *Буюртмачининг* рухсати билан йўналтириши мумкин;

-объектнинг ижро хужжатларини расмийлаштириш ва *Буюртмачига* топшириш, қурилиш материалларининг мувофиқлик сертификати, ишлатилган қурилиш материаллари ва ускуналарнинг техник паспортини тақдим этади;

-шартнома шартларига асосан объектни *Буюртмачига* тасдиқланган лойиҳага мувофиқ топширади;

-*Пудратчи* қурилиш давомида смета хужжатларида ҳисобга олинмаган ишларни аниқласа, бу тўғрида *Буюртмачига* хабар берishi шарт;

-барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унинг 1-иловасида белгиланган, ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажм ва муддатларда, ўзининг кучлари билан қурилиш қоидалари ва меъёrlарига, белгиланган стандартларга амал қилган ҳолда сифатли бажариш ҳамда ишни *Буюртмачига* мазкур шартнома шартларига мувофиқ топширади;

-мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари, транспорт воситалари, анжомлар, қурилиш материаллари, буюмлар вақтинчалик бинолардан бўшатади;

-қурилиш майдони қўриқланишини таъминлади;

-мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

4.2. *Пудратчи* мазкур шартнома бўйича барча ишларни сифатли бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун *Буюртмачи* олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.

4.3. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугалланунгача *Пудратчи* жорий таъмирлаш ишларини бажарилишини қайд этиш дафтарини юритади. Агар *Буюртмачи* ишларнинг бориши ва сифатидан ёки *Пудратчининг* қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён қиласи.

4.4. *Пудратчи* дафтарда *Буюртмачи* томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни белгиланган муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

V. БЮОРТМАЧИННИГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1. Мазкур шартномани бажариш учун *Буюртмачи*:

-ишлар бажарилиши устидан мазкур шартномада қайд этилган *Пудратчи* томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, *Пудратчидан* тугалланган ишларни, амалдаги қонунчилик хужжатларига мувофиқ равишида қабул қилиб олишни таъминлаш;

-*Пудратчининг* барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

-молиялаштириш жадвалига биноан *Пудратчига* молиялаштириш манбаи бўлган маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан шартнома тузилаётган обьект учун маблағ таъминланиши билан белгиланган ишлар қийматининг 30 фоизи микдорида бўнак (аванс) бериши ва ҳар ойда ажратилган авансни мутаносиб равишида ушлаб қолишни ҳисобга олган ҳолда, бажарилган ишлар қийматининг 100 фоизигача жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

-5 кунлик муддат ичida *Пудратчи* томонидан тақдим қилинган ҳисоб-фактураларни расмийлаштириб беришини ўз зиммасига олади. Агарда тақдим қилинган хужжатларда камчиликлар аниқланса уларни кўрсатган ҳолда *Пудратчига* қайтариб беради.

VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

6.1. *Пудратчи* мазкур шартнома кучга кирган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

6.2. Мазкур шартнома бўйича жорий таъмирлаш ишларининг муддати бажариш жадвали бўйича амалга оширилади.

VII. ТЎЛОВ ВА ҲИСОБ КИТОБЛАР

7.1. *Буюртмачи* *Пудратчига* шартноманинг 2-иловасига мувофиқ бўнак(аванс) маблағи ўтказади.

7.2. Бажарилган жорий таъмирлаш ишлари белгиланган тартибда расмийлаштирилган “Маълумтонома-ҳисоб-фактура”га асосан молиялаштирилади. Бунда жорий молиялаштириш ажратилган аванс маблагининг ҳар ойда амалда бажариладиган ишлар микдоридан фоиз ҳисобида тақсимланган ҳолда ушлаб қолиб, амалга оширилади.

VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ

8.1. *Буюртмачи* обьектда ўз вакилини - техник кузатувчини тайинлади, у *Буюртмачининг* номидан бажарилётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек *Пудратчи* томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш хужжатларига мувофиқлигини текширади.

8.2. *Пудратчи* таъмирлаш даврида буюртмачининг вакилини (техник кузатувчини) вактинчалик яшаш жойидан таъмирланадиган йўл қисмигача бориб келишига транспорт, обьектда иш жойи билан таъминлашни ўз зиммасига олади.

8.3. *Пудратчи* обьектда бажарилган ишларнинг ҳажмларини бажариш хужжатларини, қилинган сарф-харажатларни буюртмачи томонидан мазкур обьект учун бириттирилган техник кузатувчи билан ҳар ойнинг 25 кунидан обьектнинг ўзида кўриб чиқади ва тўлиқ маълумотни буюртмачига топширади.

8.4. Бажарилган ва молиялаштириш учун қабул қилинган иш ҳажмларида арифметик хато ва бошқа камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланганда, кейинги ойларда шартнома амал қилиш муддатидан кечикмаган холда бажарилган иш ҳажмлари тегишли ўзгаришишлар (корректировка) киритилган холда расмийлаштирилади.

8.5. *Пудратчи* ўзи томонидан таъмирлашда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиха хужжатларидан кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа хужжатларга эга бўлишини кафолатлади.

8.6. Пудратчи ишларни смета ҳужжатларига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан обьектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

8.7. Ёпилиб кетадиган ишларни уларнинг ҳар бир тури (босқичи) бўйича қабул қилиб олиш уларнинг кейинги тур (босқич) ишлари бошлангунга қадар бажарилишига қараб амалга оширилади.

Ёпилиб кетадиган ишларни қабул қилиб олиш натижалари ўрнатилган шакл бўйича далолатнома билан расмийлаштирилади, унда қабул қилинадиган ишларнинг лойиха, норматив-тёхник ҳужжатлар, стандартлар талабларига мувофиқлик даражаси акс эттирилади, шунингдек қабул қилинадиган ишларга баҳо ва ишларнинг кейинги турларини бажаришга рухсат берилади. Далолатномага ўлчовлар қайдномаси ва лаборатория синовлари натижалари илова қилинади.

8.8. *Пудратчи буюртмачининг* қурилиш-монтаж ишларини бажарилишини юритиш дафтарларига киритилган ёзма рухсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдифисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳакда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у холда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталған қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

8.9. Агар буюртмачи *пудратчи* ва (ёки) унинг ёрдамчи *Пудратчилари* томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у холда *Пудратчи* ўз кучлари ва маблағлари ҳисобидан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.

IX. ИШЛАРНИ ҚЎРИҚЛАШ

9.1. *Пудратчи* таъмирлаш ишлари бошланишидан тугаллангунгача ва жорий таъмирлаш тугалланган обьект буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш майдони ҳудудида материаллар, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўрикланишини таъминлайди.

X. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ

10.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги форс-мажор ҳолатлари (фавқулотда вазиятлар, фавқулотда ҳолат, юқори турувчи давлат органларининг қарори ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч, ер тебраниши, сув тошқини, кўчки ва ҳоказо) натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Пудратчининг мазкур шартномани бажариш учун бошқа шартлашуви шериклари томонидан мажбуриятларнинг бузилиши, мажбуриятни бажариш учун зарур товарларнинг бозорда йўқлиги, *Пудратчиди* зарур пул маблағларининг бўлмаганлиги форс-мажор ҳолатларига кирмайди.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

10.2. Агар форс-мажор ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у холда *Пудратчи* ва *Буюртмачи* ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар қўрилишини муҳокама қиласидар.

10.3. Агар томонлар икки ой ичida келиша олмасалар, у холда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

XI. ЖОРИЙ ТАЪМИРЛАШ ТУГАЛЛАНГАН ОБЬЕКТНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШ

11.1. Жорий таъмирлаш тугалланган обьектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибига мувофиқ, мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек жорий таъмирлаш тугалланган обьектларни

фойдаланишга қабул қилиб олиш шаҳарсозлик нормалари, қоидалари ва стандартларига асосан амалга оширилади.

11.2. Объектда жорий таъмирлаш ишлари тугаллангандан сўнг:

1). Маҳаллий ички хўжалик йўлларини куриш ва таъмирлаш объектларида бажарилаётган қурилиш-монтаж ишларининг сифатини техник кузатуви ва лаборатория синовлари ўказилади;

Бунда, Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган стандартларга мувофиқ маҳсус лицензияга эга, лаборатория синовлари қурилиши соҳасидаги амалда бўлган меъёрий хужжатлар, қурилиши нормалари ва қоидалари бўйича фаолият юритадиган. Маҳаллий ички хўжалик йўллари қуриш ва таъмирлаш объектларида бажарилаётган қурилиш-монтаж ишларининг сифатини техник кузатуви ва лаборатория синовлари ўказишга ихтинослашган, кўп йиллик тажрибага эга корхона (ташкилот, муассаса, жамият)ларнинг Лаборатория синов натижалари бўйича хуносаларини олиши талаб қилинади.

2). Бажарилган ишлар (хизматлар)ни хақиқий иш хажмини аниқлаш борасида низо келиб чиқган тақдирда келишилган ҳолда, банк мутахассислари ўлчов назорати ўтказиб объектнинг хақиқий қийматини аниқлаб беради (ўлчов назорат харажати пудратчининг бошқа харажатлари ҳисобидан қопланади);

3). Пудратчи ташкилоти томонидан тугалланган объектни қабул қилиб олиш учун тегишли хужжатларни расмийлаштиради ва буюртмачига хабарнома юборади;

4). Ички йўлларни жойларда фойдаланишга қабул қилиши юзасидан тузилган ишчи гурух томонидан фойдаланишга қабул қилинганидан сўнг, Буюртмачи томонидан якуний хисоб-китоб ишлари амалга оширилади.

11.3. Пудратчи ташкилот ишчи гурухига қуйидаги хужжатларни тақдим этади:

- қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишда иштирок этган ташкилотлар томонидан бажарилган ишларнинг турлари ва ҳажмлари ҳамда масъуль ижрочилари кўрсатилган ҳолдаги рўйхати;

- қабул қилишга тақдим этилган йўлнинг техник лойиҳаси ва ишчи чизмалари тўплами, ижро схемалари;

- ёпилиб кетадиган ишларни қабул қилиб олиш далолатномалари;

- йўл-қурилиш материаллари ва йўл тўшамаларининг конструктив қатламларидан кесиклар (тупроқ жинслари) синовлари журналлари, мувофиқлик сертификатлари;

- ишларни бажариш журнали;

- ваколат доирасидан келиб чиқсан ҳолда қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш “Йўл қурилиш сифат назорат қилиш” давлат инспекцияси томонидан кўрсатилган камчиликларни бартараф қилингандиги тўғрисидаги далолатномалари.

11.4. Пудратчи жорий таъмирлаш тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V-бўлимига мувофиқ буюртмачига буюртмачи томонидан белгиланган таркибда икки нусхада ижро хужжатларини беради. Пудратчи буюртмачига ушбу хужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

11.5. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект давлат мулкига айланади ва ўрнатилган тартибда йўлнинг ваколатли органи балансига ўтади.

XII. КАФОЛАТЛАР

12.1. Пудратчи:

барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

смета хужжатларига, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари ҳамда техник шартларга мувофиқ барча ишларни сифатли бажаришни;

ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиҳа хужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

шартномада белгиланган кафолат муддати мобайнида объектдан фойдаланиш жараённида нуқсонлар ва чала қилинган ишлар аниқланганда, ўз ҳисобидан бартараф этишни;

12.2. Объектда бажарилган ишларнинг кафолатли муддати томонлар жорий таъмирлаш тугалланган объектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб 12 ой этиб белгиланади.

12.3. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли муддатида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари пудратчи ва буюртмачининг икки томонлами далолатномасида қайд этилади.

Агар пудратчи бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичida бартараф этмаса, Ўзбекистон Республикаси

томонидан қабул қилинган қонун ва меъёрий хужжатларга асосан жавобгарликка тортиш тўғрисида ўрнатилган тартибда қонунни муҳофаза қилувчи муассасаларга мурожаат қилиш хукуқига эга.

XIII. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

13.1. *Буюртмачи:*

-шартнома кучга киргандан кейин ишларнинг бошланиши *буюртмачига* боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра *пудратчи* томонидан бир ойдан кўп вақтга кечикирилганда;

ишларни тугатишининг мазкур шартномада белгиланган муддати *Пудратчининг* айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда;

-*Пудратчи* томонидан шартнома шартлари шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

қонун хужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш хукуқига эга.

13.2. *Пудратчи:*

-ишларнинг бажарилиши *пудратчига* боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра *Буюртмачи* томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

-*буюртмачи* томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

-қонун хужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш хукуқига эга.

13.3. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон ушбу бўлим қоидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

13.4. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

13.5. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун хужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

XIV. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

14.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августрдаги "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукуқий базаси тўғрисида"ги 670-сонли Қонуни ва бошқа қонун хужжатларида, ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда жавобгарликка тортиласди.

Жорий таъмиглаш ишларини олиб бораётган *пудратчи* ташкилот қонунчиликка ва ушбу шартномага мувофиқ *буюртмачи* олдида қуйидаги ишлар бўйича мулкий жавобгардир:

-сифатсиз бажарилган қурилиш-монтаж ишлари;

-объектни ҳамда унинг босқичлари ва навбатларини белгиланган муддатда тугалланмаганлиги;

-*буюртмачи* билан тузилган шартнома асосида қурилиш-монтаж ишлари муддатларини бузилиши;

- жорий таъмиглаш жараёнида ёки оралиқ қабул қилишда *Пудратчи*, муаллифлик назорати ва бошқа назорат органлари томонидан аниқланган конструкция ва ишлардаги йўл қўйилган камчиликлар ва нуқсонларни бартараф этишни орқага суриш;

шартномада кўзда тутилган бошқа мажбуриятларни бажармагани ёки тўла-қонли бажармагани.

14.2. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун *буюртмачи* *пудратчига* кечикирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,1% (фоизи) миқдорида пеня тўлайди, бунда пеняning умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 20% (фоизи)дан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлашни *Буюртмачини* шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

14.3. *Пудратчи* томонидан объекtnи ўз вақтида ишга тушириш бўйича мажбуриятлар бузилган бўлса, *пудратчи* *буюртмачига* муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,1% (фоизи) миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пеняning умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 20% (фоизи)дан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлаш *Пудратчини* ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

14.4. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари, иш хужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда *буюртмачи* ваколат доирасидан келиб чиқсан ҳолда «Йўлқурилишсифатназоратқилиш» давлат инспекцияси хуносаси асосида объекtnи қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиши, шунингдек *Пудратчидан* сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматидан келиб чиқсан ҳолда Ўзбекистон Республикаси қонунларда белгиланган миқдорида жарима ундириш хукуқига эга. *Буюртмачи* томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун *пудратчи* Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августрдаги "Хўжалик юритувчи

субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукуқий базаси тўғрисида"ги 670-сонли Қонунининг 26 моддасига асосан сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 20%(фоизи) микдорида жарима тўлайди.

14.5. *Буюртмачи Пудратчининг* бажарилган ишлари ҳажмидан ёки молиявий ҳисоб-китоблардан аниқланган камчиликлар натижасида *Буюртмачига* қайтариладиган маблағлар ва бошқа тўловлар бўйича мажбуриятларини ўз вақтида бажармаса, *Буюртмачи* ушбу маблағларни молиялаштириш учун ажратилган маблағлар ҳисобидан чегириб қолиш хукуқига эга.

14.6. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

XV. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

15.1. Ушбу пудрат шартномаси амал қилиш давомида юзага келадиган тортишувлар, келишмовчиликлар, низолар томонлар тарафидан ўзаро музокара йўли билан ҳал этилади.

Музокара натижасида келишувга келинмаган тақдирда тортишувлар, келишмовчиликлар, низолар Тошкент туманлараро иктиносидий судида эътиroz тартибига риоя қилган ҳолда, кўриб чиқилади. Эътиrozлар ёзма равишда тақдим қилиниши керак ва уларни кўриб чиқиш муддати эътиroz билдирилган томон олганидан кейин 1 (бир) ой муддатни ташкил этади.

XVI. АЛОХИДА ШАРТЛАР

16.1. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, шартномага тегишли бўлган тарафлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

16.2. *Пудратчи* қурилиш обьектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини *буюртмачининг* ёзма рухсатисиз, ёрдамчи *пудратчилардан* ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш хукуқига эга бўлмайди.

16.3. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

16.4. *Буюртмачи* билан *пудратчи* ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар, ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

16.5. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.

16.6. Мазкур шартнома томонлар тарафидан имзоланиб, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги Фазначилигида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради.

16.7. Шартнома кучга кирган кундан бошлаб томонлар ўз вазифаларини бажаришга киришади, шунингдек мазкур шартнома бўйича хукуқ ва мажбуриятлари вужудга келади.

XVII. ШАРТНОМА АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

17.1. Шартнома амал қилиш муддати: Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги Фазначилигида рўйхатга олинган кундан бошлаб 2022 йил 31 декабргача амал қилади.

17.2. Мазкур шартномага куйидагилар илова қилинади;

1-илова – Бажариш жадвали,

2-илова – Молиялаштириш жадвали.

XVIII. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ

БЮОРТМАЧИ

"Тошкент вилояти минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати" ДУК
Тошкент вилояти Нурафшон шаҳри Бобур
қўчаси 119 уй
Ш/х: 304521860274017045129118262
ИНН: 304 943 564 ОКЭД 42110
Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги
Фазначилигининг Амалиёт Бошқармаси
х/р 23 402 000 300 100 001 010
МФО: 00014 ИНН: 201 122 919

Директор

Б.Б.Нурматов

Юрист: С.Урунбаев

ПУДРАТЧИ

Паркент ТЙФУК
Тошкент вилояти Паркент тумани
Кесканжар массиви, Индекс 111300
х/р: 2021 0000 6001 3329 9001
ИНН 200 571 037 МФО 00959
АТИБ Ипотека банк Яшнобод ф/ли
ОКЭД 42110

Директор

Ф.О.Ахматхонов



Тошкент вилояти Паркент туман Қизилсой МФЙ Сохил
кўчаси(давоми)ни жорий таъмирлаш 2022 йил
" 16 " 06 даги 2022/нонли шартномасига

1-илова

Тошкент вилояти Паркент туман Қизилсой МФЙ Сохил кўчаси(давоми)ни жорий таъмирлаш

БАЖАРИШ ЖАДВАЛИ

сўм

№	Амалга ошириладиган ишлар	Йиллар	2022 йилда объект қиймати												Иш турлари бўйича умумий қиймати	
			I чорак			II чорак			III чорак			IV чорак				
			январь	февраль	март	апрель	май	июнь	июль	август	сентябрь	октябрь	ноябрь	декабрь		
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	
1	Жорий таъмирлаш	2022						185 000 000							185 000 000	
ҲАММАСИ:		2022						185 000 000							185 000 000	



ПИСОЕВ РИЗА



ПУДРАТИЧИ:

Х. Абдуллаев

Тошкент вилояти Паркент туман Қизилсой МФЙ Сохил
күчаси(давоми)ни жорий таъмирлаш
йил " 16 " 06 даги 2022/2023 -сонли шартномасига
2022

2-илова

Тошкент вилояти Паркент туман Қизилсой МФЙ Сохил күчаси(давоми)ни жорий таъмирлаш

МОЛИЯЛАШТИРИШ ЖАДВАЛИ

сўм

Молиялаштириш жадвали	Йиллар	2022 йил												
		январ	феврал	март	апрел	май	июн	июл	август	сентибр	октябрь	ноябрь	декабрь	Жами
Ажратилган аванс маблаги	2022						55 500 000							55 500 000
Ажратилган аванс маблагини инобатта олиб бажарилган ишларни молиялаштиришга ажратиладиган маблаг	2022						129 500 000							129 500 000
Жами:	2022						185 000 000							185 000 000
Жами молиялаштириладиган маблаг		185 000 000 (Бир юз саксон беш миллион) сўм												



Дибров



ПУДРАЧИ

Сулаймонов



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI QURILISH VAZIRLIGI
«SHAHARSOZLIK HUJJATLARI EKSPERTIZASI»
DAVLAT UNITAR KORXONASI

Тошкент вилояти

Toshkent viloyati Toshkent sh., 100011, Abay ko'ch., 6-uy Tel: +998 71 244-43-56, Faks: +998 71 244-26-05, e-mail: vilekspertiza@mail.ru www.mc.uz

Holati: Ijobiy

Direktor: Norbayev Dusmurot Elomonovich 466049367

Sana: 29-04-2022 yil



Yig'ma ekspert xulosasi № 39393

Obyekt nomi «Тошкент вилояти Паркент тумани Қизилсой МФЙ Сохил кўчаси(давоми)ни жорий таъмирлаш»

Buyurtmachi - «Тошкент вилояти минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати» ДУК.

Bosh loyihachi - «RAVON LOYIHA LUX» МЧЖ

Litsenziya №АЛ-000541 от 04.02.2020г.

Moliyalashtirish manbai - Бюджет маблағлари

Bosh pudratchi - Танлов савдолари натижалари билан аниқланади

Qurilish turi Жорий таъмирлаш

Murojaat raqami: № 38041

1. Loyihalash uchun asos

1.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 мартағи ПҚ-172- сонли қарори.

1.2. Лойиха учун бошланғич харажатларни ҳисоблаш учун лойиха топшириғи буюртмачи «Тошкент вилояти минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати» ДУК томонидан тасдиқланган ва лойиха ташкилоти «RAVON LOYIHA LUX» МЧЖ томонидан 2022 йилда келишилган.

1.3. Буюртмачининг «Тошкент вилояти минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати» ДУК 2022 йил 22 апрелдаги 01/10-340- сонли хати.

2. Ekspertiza uchun taqdim etilgan materiallar

2.1. Лойиха ва ижро схемаси бўйича нуқсонли далолатнома, «Тошкент вилояти минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати» ДУК томонидан тасдиқланган, Паркент тумани Ободонлаштириш бошқармаси, «Қизилсой» МФЙ раҳбарияти ва лойиха ташкилоти «RAVON LOYIHA LUX» МЧЖ томонидан 2022 йилда келишилган.

2.2. Такдим этилган смета хужжатлари жорий нархларда ҚҚС билан ва буюртмачи харажатларисиз 201099,221минг сўм миқдорида.

2.3. Локал манбалар рўйхати ва зарурий манбалар рўйхати.

3. Loyiha yechimlarining qisqacha mazmuni

3.1. Тошкент вилояти Паркент тумани Қизилсой МФЙ Сохил кўчаси(давоми) қўйидаги параметрларга

эга:

- таъмирланаётган йўл бўлагининг узунлиги – 523,0 п.м.
- қатнов кисмининг ўртача эни - 3,5 м.

3.2. Тақдим этилган смета ҳужжатлари ва тасдиқланган нуқсонли далолатномада қуйидаги ишлар кўзда тутилган:

- Мавжуд йўл профилини янги материал (ҚША) қўшиш йўли билан тиклаш;
- Донадорлиги 5-20 мм бўлган чақиқ тошдан текисловчи тўшама ётқизиш;
- Битум эмульцияси билан юзаки ишлов бериш;
- Асфальтоукладчик ёрдамида қайноқ майда заррали ғовак асфальтобетондан 5 см қалинликда ётқизиш ва бошқа.

3.3. Хисоб – китоб смета харажатлари ВМ қарорларига мувофиқ жорий нархларда тузилган 11.06.2003 йилнинг №261 сонли "инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун шартномавий жорий нархларга ўтиш тўғрисида"ги қарори, 12.05.2004 йил №226-сонли "Ўзбекистон ҳукуматининг айrim қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида"ги ва ШНҚ 4.01.16-09-сон "қурилиш харажатларини шартномавий жорий нархларда аниқлаш қоидалари".

Хисоблаш ресурс усулига асосланган.

Асосий қурилиш материаллари, конструксиялар, маҳсулотлар ва асбоб-ускуналар қиймати ҳар чоракда ишлаб чиқилган жорий нархлар каталогига, қурилиш материаллари биржалари ва ярмаркаларидаги нархлар, заводларнинг улгуржи ва сотиш нархларига мувофиқ белгиланади.

4. Loyihalanayotgan ob'ektning muhandislik ta'minoti:

5. Loyihani kelishilganligi to'g'risida hujjatlar.

Лойиха учун бошланғич харажатларни ҳисоблаш учун топшириғи, объектдаги нуқсонли далолатнома ва ижро этувчи схема буюртмачи «Тошкент вилояти минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати» ДУК томонидан 2022 йилда тасдиқланди.

6. Ekspertiza natijalari.

6.1. Тақдим этилган ҳужжатларни локал хulosалар бўйича экспертизадан ўтказиш жараёнида ўзгартириш, қўшимча ва тузатишлар киритилди.

6.2. Экспертиза текшируви натижаларига кўра, смета ҳужжатларининг ҚҚС билан ва буюртмачи харажатларисиз 201099,221 минг сўм жорий нархларда тақдим қилинган қиймати 6254,674 минг сўмга камайтирилди ва ҚҚС билан буюртмачи харажатларисиз 194844,547 минг сўмни ташкил этди.

Камайишга ишчи лойиҳа асосида қурилиш-монтаж ишлари ҳажмини созлаш, элементар ресурс стандартлари, стандартларини аниқлаштириш, қиммат пардозлаш материалларини йўқ қилиш, ишлайдиган машиналар ва механизмларнинг нархи, асосий қурилиш материалларининг нархи, қурилиш ишчиларининг меҳнат харажатлари ва бошқалар орқали эришилди.

Пудратчининг бошқа харажатлари даражаси 19,0% миқдорида қабул қилинди.

6.3. Демонтаж ишлари давомида материалларни қайтариш нархи буюртмачи ва пудратчи билан биргаликда аниқланиши керак.

6.4. Ҳужжатлар эксперт текшируви учун буюртмачининг шарҳларисиз тақдим этилган.

6.5. Тасдиқлашдан олдин буюртмачи ҳужжатларни барча манфаатдор ташкилотлар билан белгиланган тартибда мувофиқлаштириши керак.

7. Xulosalar.

7.1. Объект учун жорий нархларда тахмин ҳужжатлар қиймати ҳисоблаш кўра «**Тошкент вилояти Паркент тумани Қизилсой МФЙ Соҳил кўчаси(давоми)ни жорий таъмирлаш**» экспертиза натижаларини ҳисобга олган ҳолда ҚҚС билан ва буюртмачи харажатларисиз 194844,547минг сўм миқдорида харажат билан келгусида кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун тавсия этилади.

Экспертиза натижалари билан белгиланадиган тавсия этилган харажат шартнома тузиш учун асос эмас.

7.2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 11.06.2003 йил 261-сонли қарори билан тасдиқланган «Объектларни қуриш қийматини шартномавий жорий нархларда белгилаш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низом»га мувофиқ ва Вазирлар Маҳкамасининг 31.01.2022 йилдаги №46-сонли қарорига асосан танлов савдо натижаларига кўра ишларнинг қиймати амалдаги меъёрий ҳужжатлар талабларини ҳисобга олган ҳолда буюртмачи томонидан қабул қилинади ва ҳоказо.

Bosh mutaxassis: Albekova Diana Rasimovna 472166609

«TASDIQLAYMAN»



“Toshkent viloyati mintaqaviy yo'llarga
buyurtmachi xizmati” DUK direktori,
komissiya raisi

 B.Nurmatov

«16» 06 2022 yil

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022 yil 18 martdagি PQ-172 sonli qarori asosida Toshkent viloyati ichki xo'jalik yo'llarini joriy ta'mirlash ishlарini bajaruvchi Pudrat tashkilotini aniqlash bo'yicha tanlov komissiyasining

12-sonli
YIG'ILISH BAYONNOMASI

“16” 06 2022 yil

Toshkent shahri

“Toshkent viloyati mintaqaviy yo'llarga buyurtmachi xizmati” DUKning 2022 yil 27 yanvardagi 06/6-sonli buyrug'iiga asosan tasdiqlangan eng yaxshi takliflarni tanlash komissiyasi tarkibi:

- | | | |
|---------------------|--|--|
| Komissiya raisi: | Nurmatov.B.B | - “Toshkent viloyati mintaqaviy yo'llarga buyurtmachi xizmati” davlat unitar korxonasi direktori |
| Komissiya a'zolari: | A.X.Shokirov.
A.B.Zakirov.
O'.A.Norimov. | - Toshkent viloyati Davlat soliq boshqarmasi vakili
- O'zbekiston Respublikasi Transport vazirligi huzuridagi yo'l-qurilish ishlari sifatini nazorat qilish davlat inspeksiyasi vakili
- Toshkent viloyati Moliya Bosh boshqarmasi vakili |
| Komissiya kotibi: | B.I.Abralov.
S.Jumayev | - Toshkent viloyati hokimiyati kapital qurilish va kommunikatsiya masalalari bo'yicha kotibiyati yetakchi mutaxassisi
- “Toshkent viloyati mintaqaviy yo'llarga buyurtmachi xizmati” davlat unitar korxonasi Tenderlarni tashkil etish va shartnomalar bo'limi bosh mutaxassisi (<i>ovozi berish huquqisiz</i>) |

Yig'ilishni tanlov komissiyasi raisi B.Nurmatov olib bordi.

KUN TARTIBI:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022 yil 18 martdagи PQ-172 sonli qarori asosida Toshkent viloyati ichki xo'jalik yo'llarini joriy ta'mirlash bo'yicha kelib tushgan e'tirozlarni ko'rib chiqish.

Komissiyaning etender.uzex.uz maxsus axborot portalida shakllantirilgan elektron bayonniga asosan ishtirokchilar tomonidan taqdim etilgan hujjatlarni o'rganib chiqib, tanlash natijalari e'lon qilinganligini aytib o'tdi.

Shuningdek,O'RQ-684-sonli "Davlat xaridlari to‘g‘risida"gi qonunning talablariga qat’iy rioya qilish bo‘yicha tushuntirish berib o’tdi.

Xarid komissiyasi a’zolarida mazkur lotlar ishtirokchilari bilan affillanganlik hususiyatiga ega aloqalar mavjud emas.

Muhokamaga qo‘yilgan masala yuzasidan 2 (ikki) ish kuni davomida hech qanday takliflar kelib tushmadi va noroziliklar bildirilmadi.

Tanlashda qatnashgan tashkilotlar takliflari ilovadagi jadvalda belgilangan:

60 balldan past ball to’plagan ishtirokchilar tanlov savdolaridan chetlashtirildi.


Mazkur obyektlar bo‘yicha buyurtmachi tomonidan belgilangan boshlang‘ich narxlar ilovadagi jadvalda ko’rsatilgan:

Komissiya qaroriga asosan O’zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022 yil 18 martdagি PQ-172 sonli qarori asosida Toshkent viloyati ichki xo’jalik yo’llarini joriy ta’mirlash ishlari bo‘yicha eng maqbul takliflarni bildirgan ilovadagi jadvalda ko’rsatilgan bajaruvchi Pudrat tashkilotlari ishlarni 30 kun muddatda yakunlash sharti bilan tanlov g’olib deb topildi.

Eng yaxshi takliflarni tanlab olish bo‘yicha xarid komissiyasi
QAROR QILADI:

1. O’zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022 yil 18 martdagи PQ-172 sonli qarori asosida Toshkent viloyati ichki xo’jalik yo’llarini joriy ta’mirlash bo‘yicha etender.uzex.uz portal tomonidan shakllantirilgan bayonnomalar assosida ilovadagi jadvalda ko’rsatilgan g’olib tashkilotlar bilan shartnomalar tuzilsin.

Komissiya a’zolari:


A.X.Shokirov


O’.A.Norimov


A.B.Zakirov


B.I.Abralov

Komissiya kotibi  S.Jumayev

№	Объект номи	Буюртмачи бошланғыч сұммасы	Лот вә баённама рәками	Ютган сүммасы	Голиб бўлган тадбиркорлик субъекти			Баённама санаси	Захирадаги голиб бўлган тадбиркорлик субъекти			
					Номи	Директор (Ф.И.О)	ИНН		Номи	Директор (Ф.И.О)	ИНН	Таклиф сүммаси
1	Ўртачирчик тумани Учоқли МФЙ Бирлашган кўчасини жорий таъмирлаш	603 852 947	99142	580 000 000	PARKENT TUMAN YO'L.FOYD.UK	AXMATXONOV FURQAT ODILXONOVICH	200571037	11 06 2022	KARIM-NUR QURILISH XK	RUZIYEV KARIM RAVSHANOVICH	303822651	581 826 338
